
«Ҳар бир оила-тадбиркор»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуслари билан сўнги йилларда мамлакатимизда ҳар бир оилани тадбиркорликка кенг жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш, ёшларни бизнес ғояларини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш борасида зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Туман молия бўлими ходимлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларида кам таъминланган оилаларга ва кенг жамоатчиликка Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнь кунги ПҚ-3777-сонли «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 27 март кунги «Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4231 сонли қарорлар тушунтирилиб, оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 16 фоиз ставкада 3 - 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга имтиёзли кредитлар ажратиши юзасидан Данғара тумани Маҳалла фуқаролар йиғинларида семинарлар ташкил қилинмоқда.

2020-01-27 15:57:10